

Вилоят ҳокими Термиз туманига ташриф буюрди



Бугун Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз туманига ташриф буюриб, «Сайхунобод» тажрибасини жорий этиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Хусусан, Намуна маҳалласида “Терmez ватер” МЧЖнинг ичимлик сувларини қадоқлаш цехи, Ҳаким бобо Қосимов ҳамда Қудратилла Толиповларнинг хонадонларида иссиқхоначилик, лимончилик, боғдорчилик, асаларичилик ва паррандачилик фаолиятлари билан танишилди.